

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 24-avgust. Shanba • 99-100 (31.690)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шўхратини юксалтириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва ўз халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Азларов Турғун Раҳматович — Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Раматов Ачилбай Жуманиязович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

Эшматов Анорбой Аббасович — Пахтакор туманидаги «Анвар» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2013 йил 22 август



Азларов Турғун Раҳматович



Раматов Ачилбай Жуманиязович



Эшматов Анорбой Аббасович

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она-юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»
Усмонов Жамол Жалолович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи rassom

«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»
Зокиров Бахтиёр Собиржонович — Ўзбекистон Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти директори

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»
Абдулазизова Дилбар Собитовна — Республика ёш томошабинлар театри актриси

Мамазиева Гулсанам Мамадалиевна — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Нарзуллаева Одинахон — Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусикали театри актриси

«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»

Мардонакулов Хушбоб — бахши, Сурхондарё вилояти

Ражабов Махматмурод Исмойилович — бахши, Қашқадарё вилояти, Нишон туман маданият ва спорт ишлари бўлими ходими

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор»
Худойбердиев Шаўлат Хайдарович — Музаббат туманидаги «Хайдар полвон» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»
Намазов Шадман Эргашович — «Ўза» селекцияси ва уручилиги» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи»
Сотволдиева Дилбар Холмирова — Янгйўл туманидаги «Бош пилла» масъулиятликланган жамияти бош агрономи, Наманган вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор»
Исмаилов Махмуд — Ғузор туманидаги «Ғузор» наслчилик ширкат хўжалиги раиси, Қашқадарё вилояти

(Давоми 3, 4-бетларда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакат Куролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан
Назирова Шарифжон Гуломович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

«Меҳнат шўхрати» ордени билан
Эшмурзаев Эшназар Файзуллаевич — Самарқанд вилояти Нарпай тумани давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

II даражали «Шон-шараф» ордени билан
Абдурахмонов Икболжон Имомович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа

вазирлиги ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари

Алиқариев Муродилла Сайдуллаевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси командирининг ўринбосари

Курбанов Нодир Муҳаммадович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Эргашев Павел Исмоилович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондони

(Давоми 5-бетда.)



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2013 йил 23 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Ялпи мажлисининг иккинчи кунда сенаторлар ўзларининг конституциявий вазифаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф.Муллажоновнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингладилар. Қайд этиб ўтилганидек, Марказий банкнинг 2012 йилдаги фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ амалга оширилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2011 йилнинг асосий якуналари ва 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берилган вазифаларни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий

банкнинг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги қарори, шунингдек, Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурига мувофиқ амалга оширилди.

Мамлакат банк тизими фаолиятининг белгиланган устувор йўналишлари доирасида 2012 йилда банкларнинг барқарорлигини янада мустаҳкамлашга ҳамда улар томонидан юқори рейтинг кўрсаткичларига эришилишига алоҳида эътибор берилди. Қўйилган вазифани бажариш бўйича аниқ мақсадли чораларнинг амалга оширилиши мамлакат банк тизимида юқори кўрсаткичларга эришни таъминлаш имконини берди. Чунки, ҳисобот йилида банк тизими капиталининг етарликлilik даражаси умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 барабар юқори бўлди. Банк тизимининг жорий ликвидлик даражаси талаб қилинадиган энг кам даражадан 2 барабар юқори бўлди.

(Давоми 4-бетда.)

ЎХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

Етакчиларнинг сиёсий салоҳиятини ошириш

бугуннинг долзарб вазифасидир



«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Сизларни Ўзбекистон
Республикаси

мустақиллигининг

22 йиллиги билан муборакбод эшамиз.

Йўлингиз ҳамisha равон ва ёруғ бўлсин!

«Фарғонаавтойўл»

худудий йўللاردан фойдаланиш ташкилоти жамоаси



Спорт

Осиё ўйинлари медаллари

мустақилликнинг 22 йиллик байрамига ўсмирларимизнинг туҳфасидир

Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида 2-Осиё ўйинларининг спорт мусобақалари низоҳасига етди. Унда ўсмирларимиз битта олтин, иккита кумуш ва бешта бронза медали билан тақдирланиб, жами саккизта медаль билан умумжамоа ҳисобида 45 давлат вакиллари ўртасида 14-ўринни эгаллади.

Юртимиз тазквондо (WTF) мактабининг навқирон авлоди вакиллари Осиё ўйинларидан муносиб иштирок этди. Дастлаб 62 кг вазн тоифасида даянга чиққан Фанижон Хуррибоев бронза медалига сазовор бўлди. Кейин 55 кг вазн тоифасида Динараҳон Мамадиброҳимова ҳам нуфузли мусобақанинг бронза медали билан тақдирланди.

Эслатиб ўтамиз, улардан аввал қизгин ўтган мусобақаларда дзюдочиларимиздан Достон Рўзиев олтин, Улуғбек Отамуродов ва Мухриддин Мирзаёров кумуш, Дияра Келдиёрова ва Турсуношша Нурматова бронза, ўқ отиш турида Рефат Гирфанов бронза медалини қўлга киритганди.

Тўрт йил илгари Сингапурда бўлган 1-Осиё ўйинларидан ўсмирларимиз учта бронза медали билан қайтишган. Нанкинда эса ўсмирларимиз 8 та медаль билан шарафланишди. Бу — юртимизда болалар спортини ривожлантиришга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг юксак намунасидир. Бу Истиқлол берган неъматдан баҳраманд ҳолда буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлиб улғаяётган навқирон авлод ғалабасидир!

Ўсмирларимизнинг 2-Осиё ўйинларида эришган ғалабаси шундай иродали ва шижоатли фарзандларни тарбиялаган ота-оналарига, мураббийларига ва барча юртдошларимизга муборак бўлсин!

Мамлакат кубогининг Қаршида бўлиб ўтган иккинчи ярим финалининг жавоб учрашувида «Насаф» футболчилари пахтакорчилар устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозониб, финал йўлланмасига эга бўлди.

Финалчилар аниқланди

Бу жамоаларнинг Тошкентда ўтказган дастлабки ўйнида 0:0 ҳисоби қайд этилганди. Шу боис мезбонлардан жавоб учрашувида ўз дарвозаси дахлсизлигини таъминлаш талаб қилинарди. Улар бу вазифани урдадашди ва пенальтидан пахтакорчилар дарвозасига иккита гол киритиб, икки ўйин натижасига кўра финалга чиқишди. Бир кун илгари «Бунёдкор» футболчилари «Локомотив» майдонида 0:2 (биринчи ўйин — 2:2) ҳисобида устун келиб, финал йўлланмасини қўлга киритганди.

Шундай қилиб, мамлакат кубогининг 25 сентябрь кунда бўладиган финал учрашувида «Бунёдкор» ва «Насаф» футболчилари тўп суради.

Асрор МҲМИН



Истиқлол ва истиқбол йўллари

Йўл — узокни яқин, қилувчи восита. Зеро, элни эл билан, олис ўлкаларни бир-бири билан боғлайдиган ҳам йўлдир. Шунинг учун қадимдан ота-боболаримиз йўл очиш, кўприк қуришни энг катта савоб, деб ҳисоблаганлар.

— Яқинда Тошкентга бориб келдим, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, меҳнат фаҳрийси Комилжон Мирзаев. — Йўл юриб жоним роҳатланди. Кенг, равон, текис ва ёруғ, обод кўчаларни кўриб, беихтиёр бундан 20 йиллар чамаси аввалги аҳвол кўз олдимга келди. Қарама-қарши келиб қолган автомашиналар бир-бирига аранг йўл бериб ҳаракатланар эди. Муштақиллик эрк, ҳуқуқ бердигина эмас, фаровон турмуш, обод юрт эгасига айлантирди, бизни.

Комилжон ака фахрланиб гапирганича бор. Буни биргина Фарғона вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозир бу ерда 21063 километр узунликда автомобиль йўллари мавжуд. Унинг 202 километри Буюк Ипак

йўли ўтган халқаро, 873 километри давлат ва 2956 километри маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари.

2012 йилда Фарғона вилояти бўйича умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари таъмирлаш, қайта қуришнинг ўзига 123,7 миллиард сўм маблағ ажратилди ва ўзлаштирилди. Фақат шаҳарлар ёки шаҳарлараро йўллар эмас, Марказий Фарғонанинг Ёзёвон — Тақалик чўллари ҳам, Фарғона шаҳри ички кўчалари ҳам қудратли техникалар, бунёдкор йўлсозлар билан ғавжум бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда инфраструктура, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш жадваллаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра, вилоят



худоудиди маҳаллий ҳокимликлар балансида бўлган 332 та кўчада таъмирлаш, асфальт ётқириш ишлари олиб борилди.

— Бу каби ишлар кўлами 2013

йилда янада кенгайди, — дейди «Фарғона автойўл» худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти директори Тўлқин Мадраҳимов. — Жорий йилда вилоятда 15 км узунликдаги халқаро

аҳамиятдаги автомобиль йўллари реконструкция қилинади, 30,6 км. узунликдаги давлат аҳамиятдаги автомобиль йўллари тўла таъмирланади. Мазкур йўл ишлари учун Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 63,6 млрд. сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Ҳозиргача Кўқон шаҳрини айланиб ўтиш қисмида 42 км узунликдаги 4 тасмали асфальтбетон қопламали автомобиль йўли қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.

Шу билан бир қаторда жорий йилда 4 та объектдан иборат 2,8 км. узунликдаги маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари ва 42 км. лик кўприкни тўла таъмирлаш мақсадида Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 8,3 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари тўла таъмирлаш ишлари вилоятнинг Фарғона шаҳрининг Бешбола қишлоқ фуқаролар йиғини, Кува туманининг Кува МФЙ, Ёзёвон туманининг Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудларида 1/42 км. кўприкни таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, аҳоли кўп фойдаланадиган таълим муассасалари, ижтимоий ва маданий объектларга борадиган 59,8 км. узунликдаги ички хўжалик йўллари асфальтбетон қоплама билан таъмирланмоқда. Ушбу ички хўжалик йўллари таъмирлаш ишлари 15 та тумандаги ва Кувабой шаҳридаги жами 143 та қишлоқ фуқаролар йиғинидан ўтувчи йўлларда амалга оширилади. Бундан ташқари, 42,5 км. узунликдаги шаҳар типидagi посёлка кўчаларини асфальтбетон қоплама билан таъмирлаш учун 2,6 млрд. сўм маблағ Молия ва-



Реклама ўрнида

зирлиги томонидан ажратилиши назарда тутилган.

Фарғона шаҳрини қайта қуриш дастурида йўллари кенгайтириш, янги йўл очиш, кўприк солиш ишлари салмоқли ўрин тутди. Жумладан, шаҳардаги марказий ва маҳалла ички кўчаларини жорий йилда таъмирлаш мақсадида 73,1 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлиб, 18 км узунликдаги кўчалар реконструкция қилиниши ва таъмирланиши белгиланган. Бу ишларни амалга оширишда ишлаб чиқарилаётган асфальтбетон қоришмалари сифатини ошириш мақсадида Фарғона кўприк хўжалиги ишлаб чиқариш базаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги қарорига асосан, Боғдоқ ва Фарғона йўл қорхоналарининг асфальтбетон ишлаб чиқариш цехларини замонавий талаб даражасида модернизация қилиш учун 2013 йил йўл ишлари дастурига киритилиб, 1,3 млрд. сўм маблағ ажратилди. Йўллари сақлаш ва таъмирлаш ишларида фойдаланиш

учун вилоятга қўшимча равишда 9 турдаги, яъни 1 донга асфальтбетон ишлаб чиқариш ускунаси, 1 донга асфальтбетон ётқириш механизми, 4 та йўл зичлагич, 2 та автогрейдер, 2 та экскаватор, 2 та гудрона-тор, 1 та сув сепиш ва 6 донга махсус йўл машиналари, жами 18 та йўл қурилиш техникалари харид қилиниши белгиланган.

— Олдимиздаги долзарб масалалардан бири — йўл инфраструктурасини янада ривожлантириш, — деди Тўлқин Мадраҳимов. — Биз бу борада тадбиркорлар билан ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқаримиз. Унга кўра автомобиль йўллари бўйлаб ўнлаб хизмат кўрсатиш марказлари, кемпинг, спорт, овқатланиш мажмуалари қурилади.

Йўллар — тараққиёт белгиси. Қаерга қарамаган, кўча таъмирланмоқда, янги йўл солинмоқда. Бу обод йўллар мамлакатимизнинг эртанги порлоқ келажигани нишона.

Мухаммадjon ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



«Шўртангазкимё» мажмуаси жамоаси

Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 22 йиллиги
билан барча юртдошларимизни
муборакбод этади!

Давлатимиз равнақи, юртимиз
тараққиёти йўлида олиб бораётган
ишларингизда улкан
муваффақиятлар ёр бўлсин!



MUASSIS:



ЎЗБЕКИСТОН
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Musihiiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farroh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kottibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846
10561
nuxxada
bosildi.


Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23.00
Topshirilgan vaqti — 01.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 5